

## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ (МАЙ, 2014 йил)

### Кафедралар бўйича

#### Мудир

Тиббий профилактика факультетининг “Фармакология” кафедраси

#### Доцентлар

Даволаш факультетининг “ИКП, гематология, ХДТ ва касб касалликлари” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Патология” кафедраси

#### Катта ўқитувчилар

Тиббий профилактика факультетининг “Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби” кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Коммунал ва меҳнат гигиенаси” кафедраси

Даволаш факультетининг “УАШ акушерлик ва гинекология” кафедраси

#### Ассистентлар

Тиббий профилактика факультетининг “Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби” кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Теританосил касалликлари” кафедраси (2 та ўрин)

Тиббий профилактика факультетининг “Акушерлик ва гинекология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Болалар ва ўсмирлар овқатланиш гигиенаси” кафедраси (3 та ўрин)

Тиббий профилактика факультетининг “Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия” кафедраси (3 та ўрин)

Тиббий профилактика факультетининг “Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетининг “Асаб касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетининг “УАШТ ва клиник аллергология” кафедраси

Даволаш факультетининг “УАШТ эндокринология” кафедраси

Даволаш факультетининг “УАШ педиатрия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Патология” кафедраси (3 та ўрин)

Тиббий педагогика факультетининг “ИКП гематология ХДТ касб касалликлари” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Факультет ва госпитал терапия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Онкология ва нур ташхиси” кафедраси (2 та ўрин)

### Ўқитувчи

#### Катта ўқитувчи:

Ўқитувчи: Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия кафедраси

Ўқитувчи: Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия кафедраси

Ўқитувчи: Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия кафедраси

Ўқитувчи: Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия кафедраси

**Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт Академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

ТТА ректорати, касаба уюшмаси, анатомия ва ОХТА кафедраси жамоаси, кафедра доценти Адилбекова Дилором Бахтиёровнанинг акиси

**Шониёр Бахтиёрович БАЖАКОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт Академияси ректорати касаба уюшмаси УАШ педиатрия кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори

**Равшан Ҳамидуллаевич УМАРОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:  
**TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI**

MUHARRIR  
**TURDIQUL  
BOVOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,  
L.Abdugodirova.

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahilalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.

Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy

Nashr uchun ma'sul  
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir

**Gazeta bepul tarqatiladi**



## БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИ – БУТУН ИНСОНИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИ

Самарқанд шаҳридаги Қабуллар уйида 15-16 май кунлари «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига дахли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.



Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу халқаро анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Япония, Ҳиндистон, Миср, Индонезия, Саудия Арабистони, Кувейт, Россия, Озарбайжон каби элликка яқин мамлакатдан олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, олий таълим муассасалари профессорлари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари, экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов халқаро конференциянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари, Осиё ва Тинч океани минтақавий бюроси директори Хуберт Гизен ўрта асрлар Шарқ алломаларининг дунё тамадду-

нида тутган ўрни, илм-фан ва санъат ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритди. Мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш, бой тарихимизни ўрганиш, фан ва таълим тизимини ривожлантиришга қаратаётган эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Конференцияда ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг ҳаёти ва ижоди, уларнинг тарихий мероси ва илмий мактаблари фаолияти ҳақида видеофильм намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан истиқлол йилларида буюк аждодларимизнинг номлари тикланди. Уларнинг ҳаёти ва бебаҳо меросини ўрганиш, қадамжоларини обод этиш ва асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Давоми 2-бетда.



**9 май — Хотира ва қадрлаш**

**кўни**

## ИНСОН ШАЪНИ УЛУФ, ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Ҳар йили 9 май кўни эрталаб бу муаззам масканга муҳтарам Юртбошимиз ташриф буюради. Юртимизнинг таниқли зиёлилари, жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтадиган бу тадбирда Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилади. Қаттол уруш йилларида ёвузликка қарши шиддатли жангларда қўрбон бўлган ҳамюртларимиз ёд этилади. Бугун орамизда яшаётган 6 минг 600 нафардан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига давлатимиз томонидан ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.


Хотира ва қадрлаш. Бу икки сўз замирида халқимизнинг маънавий қиёфаси том маънода ўз аксини топган. Чунки ўтганлар номи яхшилик билан ёд этиш, уларнинг ҳаёт йўлларига аждодларимиз меросига ибрат назари билан қараш, тирикларни эъзозлаш, яқинларимизнинг умри ва ҳаёти бизга инъом этган неъматларнинг қадрига етиб яшаш халқимизнинг азалий қадриятлари сирасига киради.

Давоми 2-бетда.



Хикмат

**Ёмонга минг яхшилик қил,  
қадрингга етмайди.**



Хикмат

## БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИ – БУТУН ИНСОНИАТНИНГ МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимиз таъкидлаганидек, жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун аввало асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак.

Ана шундай эзгу мақсад ва тафаккур билан яшаган халқимиз жаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Шарқу Ғарбни ўзаро боғлаган, буюк цивилизациялар туташган юртимиз худудидан илм-фан, маданият азалдан ривожланган. Айниқса, ўрта асрларда она заминимиздан минглаб олиму шоирлар, буюк мутафаккирлар етишиб чиққан. Уларнинг математика, физика, кимё, астро-

номия, этнография, тиббиёт, тарих, адабиёт, ахлоқ, фалсафа каби кўплаб соҳаларга оид асарлари, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шахрисабз, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги қадимий обидалар бутун башариятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Халқаро анжуман иштирокчилари Амир Темур мақбараси, Расадхона, Афросиёб ва Улугбек музейлари билан танишди. Улар истиқлол йилларида Самарқанд шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Анжуманнинг ялпи мажлисида АҚШнинг Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, профессор Фредерик Старр, япониялик бобуршунос олим, Рюкоку университети профессори Эйжи

Мано, Қоҳира университети профессори Магида Махлуф, “Абу Али ибн Сино – Франция” уюшмаси президенти, профессор Марк Боннел, бельгиялик профессор Юль Янссенс, Нидерландиянинг Утрехт университети доценти Вильфрид де Грааф, Япониянинг Токаи университети профессори, шарқшунос олим Масатака Такешита, Хитой Фан ва технологиялар университети тарих ва археология факультети раҳбари, профессор Ши Юнли, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Эдвард Ртвеладзе ва бошқалар ўрта асрлар Шарқ алломаларининг ҳаёти, илмий фаолияти ҳақида маъруза қилди.

Шунингдек, мазкур халқаро конференцияда Тошкент Тиббиёт академиясидан олти нафар олимларимизнинг иштирок этиши бизларнинг қалбимизда фахр ва ғурур туйғусини уйғотди.

## ИНСОН ШАЪНИ УЛУҒ, ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу кун ҳар биримизга ҳаётнинг ҳар лаҳзаси ғанимат эканини, одам ва оламнинг қадрига ўз вақтида етишимиз лозимлигини, инсондан фақат эзгулик қолишини эслатиб туради. Бундай улғувор тантана туйғули уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишга қаратилган савобли юмушлар фарзандларимиз кўз ўнгидан амалга оширилаётгани алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, давраларни тўлдириб ўтирган нуронийларимизнинг уруш йиллари ҳақидаги ҳикоялари ёшларимизни бефарқ қолдирмайди, аксинча улар бугунги дориломон ҳаёт, тинчлик-осудаликнинг бебаҳо неъмат эканлигини янада чуқурроқ англаб етишади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуглашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ёш авлод қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб академиямизда ҳам маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унга ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда узоқ йиллар меҳнат қилган табаррук ёшдаги нуроний отахонлару, онахонлар ва талабалар қатнашдилар. Уруш ва меҳнат фахрийларига байрам совғалари, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда муносиб ҳисса қўшган устоз-мураббийларга миннатдорчилик билдирилди. Тадбирда санъаткорлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Йўлдош МАҲМУДОВ,

1-ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси,  
фалсафа фанлари номзоди

## ОНА

Онажон меҳрингиздан илиқроқ  
ҳис топмадим,

Қиёс этдим кўпларни сиздек  
азиз топмадим.

Ҳатто қошоналарда пойингиздек ётмадим,  
Онажон меҳрингиздан илиқроқ

ҳис топмадим.  
Йўлингизда бир тикан, ё хас бўлиб ётайин,  
Дилингизда дардларни олиб четга отайин.

Жар солиб дунёларга мен баралла айтайин.  
Онажон ифорингиздан тотли

неъмат топмадим.  
Дўстларимга улашдим кўп совға-саломлар,  
Ҳатто неча ётларга дедим

ширин каломлар.  
Сизга келтирганларим бўлди

фақат аламлар,  
Онажон сабрингиздан ортиқроқ

куч топмадим.  
Кездим яёв юрганча ўн саккиз минг оламни,  
Қўлга созимни олиб қўйлаб мунгли ноламни.

Дейсиз Оллоҳ паноҳида асра ҳар он боламни,  
Онажон сўзингиздан ширин бир

сўз топмадим.  
Товонимга курса тукон,

сиз киприкда тердингиз,  
Киймай кийдирдингиз-у,

емасдан едирдингиз.  
Менга бир уммон қадар,

бахт-у иқбол бердингиз,  
Онажон ўзингиздан меҳрибонроқ топмадим.

Бекзод САМИНЖОНОВ Абдулаҳад ўғли,  
стоматология факультети талабаси

## БОЛАЛАР ОРТОПЕДИЯ БЎЛИМИ ОЧИЛДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 5 апрель куни №110 сонли буйруғи билан Тошкент Тиббиёт Академияси 2-клиникаси таркибидан Республика ихтисослаштирилган бўғимлар ва қўл-бармоқ жарроҳлик маркази қайта тикланиб, унинг ичида болаларга ихтисослаштирилган 10 ўрин жой ташкил этилди.

Республика ихтисослаштирилган бўғимлар ва қўл-бармоқ жарроҳлик Маркази 1993 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ш.Ш. Ҳамраев ташаббуси билан ташкил этилган. Марказ Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасида ягона марказ ҳисобланади.

Марказда номига лойиқ энг нозик заргарлик жарроҳлик амалиётлари қўл-бармоқларда бажариш ҳам йўлга қўйилган. Марказнинг 19 йиллик фаолиятида 4 нафар фан доктори ва 15 нафар фан номзодлари тайёрланган. Бундан ташқари бўғимлар ва қўл-бармоқлар жарроҳлиги бўйича марказ республикада методик марказ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ш.Ш. Ҳамраев раҳбарлигида марказга мурожаат қилган беморларга тўғри ташхис қўйиш, даволаш, жарроҳлик амалиётлари ва беморларни реабилитация қилиш жараёнларида фаол иштирок этиб келишмоқда. Марказда стационар шароитда даволанаётган ҳар бир бемор эрталабки йиғилишда кафедра ва бўлим ходимлари томонидан муҳокама қилиниб, даволаш режаларига таклифлар берилиб борилади. Марказга мурожаат қилган беморлар дастлаб маслаҳат поликлиникасида стандарт асосида тўлиқ текширилиб имтиёзли ёки пуллик асосида стационар давога ётқизилади. Марказ таркибидан физиотерапия, массаж, маънавият ва маърифат хоналари бўлиб, беморларни даволаш жараёнларига хизмат кўрсатиб келмоқда. Марказда барча беморлар тўлиқ қайта ва қўшимча ортопедик текширишлардан ўтказилади. Республика Ихтисослаштирилган бўғимлар ва қўл-бармоқ жарроҳлик марказида ҳар йили мингдан ортиқ республикамизнинг турли вилоятлари ҳамда МДХ давлатларидан мурожаат қилган беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Марказда таянч ҳаракат тизимининг туғма ва орттирилган нуқсонлари, қўл-бармоқлар патологиясини даволаш бўйича замонавий жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб борилади.

Марказда қуйидаги жарроҳлик амалиётлари амалга оширилади: бўғимлар артропластиклари, болалар ва катталар туғма ва орттирилган таянч аппарат тизими нуқсонларининг коррекцияси, елка бўғими одатий чиқишларида пластика клиника методи бўйича, тиззи бўғимида артроскопик жарроҳлик амалиётлари, сон суяги бошчаси реваскуляризацияси клиника методи бўйича, чаноқ сон бўғими декомпрессия-мобилизацияси клиника методи бўйича, тизза бўғими орқа капсула пластикаси клиника методи бўйича, тизза бўғими синокапсулэктомияси, тизза бўғими мобилизацияси, таянч ҳаракат тизими деформацияларини тўғрилаш, ревматологик деформацияларни коррекциялаш, сохта бўғимларни аутосуякпластикаси, периферик нервларни тиклаш, эркин ва маҳаллий тери кластикаси, пайларни тиклаш, аутогенотопластика, суяк ва тоғай тўқимаси хавфсиз ўсмаларини олиб ташлаш ва ва аутопластиккалари, аутонейропластика, тенолиз ва невролизлар, озиклантирувчи тери пластикаси билан мушакларини кўчириб ўтказиш, елка бўғими одатий чиқишларида пластика клиника методи бўйича, қўл-бармоқ суякларини ассептик некрозларида реваскуляризация ва дистракцион-компрессион аппарат ўрнатиш, кафт суякларини малоинвазив усулда астеосинтезлаш ва бошқалар.

М.Т. ШОРУСТАМОВ,  
бўлим мудири

## ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Хунарлининг иши беш.

\* \* \*

Яхши таълим-тарбиянинг  
самараси ҳавас қилгулик  
бўлади.

\* \* \*

Яшайверсанг кўраверасан.

\* \* \*

Кимни суйдиргинг келади,  
кимни куйдиргинг.

\* \* \*

Ким бахтга етолмайди,  
ким асраб қололмайди.

\* \* \*

Нотинч оила шамолда  
қолган қайиққа ўхшайди.

\* \* \*

Оила четдан аралашувни  
хоҳламайди.

\* \* \*

Одамларнинг гап-сўзлари  
юракни яралайди.

\* \* \*




Қариганда ёшларга  
кўшилиб кулги бўлма.

\* \* \*

Ёшлик ўзига ишонади.

\* \* \*

Сен етгунча умр қадрига,  
Умр ўтиб кетган бўлади.



*Зулматдан қоч, зиёга юз тут*

## XXI аср Фарб оммавий маданиятининг Ўзбекистон ёшларига салбий таъсири

Ҳаммамизга маълумки, Президентимиз томонидан “2014 йил — Соғлом бола йили” деб эълон қилинди. Ҳар бир оилани фарзандларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фарзандларимизнинг соғломлиги, етуқлиги аввало мустақкам оилалар барқарорлигининг гаровидир. Қолаверса, давлат ва жамиятда баркамол авлодлар етиштиб чиқишининг омили ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг қисқа тарихий даври шуни кўрсатдики, вайронакор, бузғунчи ғоялар биринчи галда ёшлар онгини захарлашга қаратилади. Оммавий ахборот воситаларида, таълим-тарбия муассасаларида бундан ташқари, маҳалла ва отоналаримиз томонидан ёшларимизга “Оммавий маданият”нинг зарарли оқибатлари тўғрисида тушунтиришлар олиб борилмоқда. Лекин, шунга қарамасдан баъзи ёшларимизда “Оммавий маданият” кўринишлари кузатилмоқда. Булар асосан кийинишида, қизиқишларида, бўш вақтни ўтказишда, дидларнинг саёзлашувида, миллий қадриятларга муносабатда намоён бўлмоқда. Булар эса беҳаёлик ва

зўравонлик, миллий қадриятларга ва ижтимоий манфаатларга бепасандлик билан муносабатда бўлиш каби иллатларни келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда ёшлар орасида тақдирчилик ҳолатларнинг кучаяётганлиги ва янада тобора авж олаётганлиги кузатилмоқда. Бунда, хорижда кенг тарқалган ахлоқий ва маънавий юриштуриш андозаларининг кинофильмлар, мода ва турли хил рекламалар орқали ёшларимизнинг онгини маълум маънода захарлаётганини сезиш қийин эмас. Натижада, ёшлар ўртасида китоб ўқишдан кўра компьютер ўйинларининг олдида вақтини ўтказиш, мазмунан саёз бўлган турли хил жанрдаги фильмларни томоша қилиш одат тусига кириб бормоқда. Глоблаллашувнинг салбий оқибатларини, “оммавий маданият” ниқобидаги аксил маданият ва турли ғаразли, ноҳолис, ахборотлар хуружининг таъсирини мумкин қадар камайтириш учун аҳоли, айниқса, ёшларнинг сиёсий онгини, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик маданиятини юксалтириш талаб этилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки мамлакатимизни тараққий топтириш, юксалти-

ришда ёшларнинг тарбияси ва салоҳияти ўта муҳим объектив қонуниятдир. Энди фақат ва фақат шу юртни, шу элни севувчи, мамлакат ривожига хизмат қилувчи, унинг моддий ва маънавий қадриятларига ҳурмат кўзи билан қаровчи ва маълум маънода уни тарғиб қилувчи фидойи соғлом авлодни тарбия қилиш мамлакатнинг ҳар бир фуқаросининг энг асосий мақсадига айланиши ўта муҳим масаладир. Соғлом авлод тарбияси билан шуғулланаётган шахслар барча таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган ёшларни айнан шу руҳиятга мослаштириш бугунги куннинг энг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Бу эса бугунги глоблаллашув ва тобора шиддат билан ривожланиб бораётган даврда ёшлар тарбиясига ниҳоятда оғоҳ бўлишимизнинг асосий шартидир.

**Ҳилола РУСТАМОВА,**  
Тиббий педагогика  
факультети ИКП,  
гематология, ХДТ ва касб  
касалликлари кафедраси  
доценти, т.ф.н

## ТИББИЁТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ!

Инсон саломатлигини сақлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, бу соҳада кўплаб кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан бошлаб жамиятимизнинг барча соҳалари қаторида тиббиёт илмига алоҳида эътибор қаратилди.

Албатта, умрини тиббиётга бахш этмоқчи бўлган кўпчилик ёшлар, инсон саломатлигини сақлаш, беморлар дардига шифо топиш қолаверса, мустақил Ўзбекистоннинг ҳам маънавий, ҳам жисмонан соғлом фуқаролари умрига умр, ёшига ёш қўшиш каби улуғ ишларни амалга оширишни азалдан мақсад қилиб олган.

Тошкент Тиббиёт академияси шифокор кадрлар тайёрлашдаги энг намунали ва “байроқдор” илм масканларидан биридир. Академияда кенг билим олиш учун имкониятлар яратилган бўлиб, энг замонавий услубларда машғулотлар ўтказилиб борилмоқда. Эндигина 1-курс талабаси бўлишимга қарамай, бу соҳани тўғри танлаганимга амин бўлиб келмоқдаман. Негаки, инсон саломатлигини сақлашдек шарафли касб эгаси бўлиш учун ҳозирдан оқибат изланишим, тиббиётнинг барча сирларини ўрганиб олиш истаги мени янада олға қадам ташлашимга асос бўлмоқда. Таҳсил олаётган барча тенгдошларим ҳам бу фикрларимни қўллаб-қувватлаши шубҳасиз. Демак, келажакда малакали кадрлар тизимида бизнинг ҳам ўрнимиз борлиги дилчимиздаги улкан орзуларни янада орттиради. Ибн Сино, Ал-Беруний, Мирзо Улуғбек сингари кўплаб аждодларимизга вориликимизни чуқур билим эгаллаб намоён қилмоғимиз даркор.

Бу йил давлатимиз мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлаймиз. Мустақиллик биз ёшларга, умуман халқимизга

чексиз имкониятларни яратиб берди. Фақат биздан талаб қилинадиган асосий мезон яратилган имкониятлардан тўғри фойдалана билиш, тиб илмини қатъий эгаллаш ва мустақилликни мустақкамлаб, инсон саломатлигини сақлашга ўз ҳиссамизни қўшиш. Қарийб 22 йил мобайнида аҳолимизнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларда 75 ёшга етганлигига эришганимиз инсон саломатлигини сақлашдаги улкан ютуғимиздир. Аҳолининг узоқ умр кўришидек самарали ишларда албатта, шифокорларнинг ўрни муҳим. Истиқболда биз ҳам халқимизнинг бундан-да кўпроқ умр кўришини таъминлашга хизмат қиламиз деган умиддаман. Бу мен ва тенгдошларимизга буюк фахр туйғусини беради.


Хулоса ўрнида айтишим мумкинки, тиббиёт тараққиётининг асосий мезонлари қаторида қуйидагиларни тақдоран қайд этиш мумкин: 1.Ватанга муҳаббат ва фидойилик; 2.Чуқур билим ва касбга садоқат; 3.Эътиқод мустақкамлиги ва ташаббускорлик. Зеро, Юртбошимиз айтганидек, “... қадимий Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида фан ва маърифат ўчоғи, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келган, илму маърифатга интилиб яшаш эса халқимиз менталитетининг ажралмас қисмига айланиб кетган”.

**Собитжон ҚУРБОНОВ,**  
даволаш факультети 103-гурӯх талабаси

*Фанимиз заҳматкашлари*

## КАСБГА ФИДОЙИЛИК — БАХТ КАЛИТИ

Тошкент Тиббиёт Академиясининг умумий ва болалар хирургияси кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали болалар жарроҳи, Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Республика Халқ Табобати Академиясининг аъзоси Факиров Алижон Зоҳидович шу йилнинг 27 апрелида Турон Фанлар Академиясининг 2/4/14 – рақамли қарори билан Академиянинг ҳақиқий аъзолигига қабул қилиниб академик дипломи билан тақдирланди. Шу муносабат билан ходимимизни сўхбатга тортидик.



— Ҳурматли Алижон Зоҳидович, авваламбор Сиз

ни бундай юксак илмий унвон билан жамоамиз ва рўзнамаиш номидан самимий қўтлаймиз ва илмий, ижодий изланишларингизда янги зафарлар тилаймиз. Авваламбор, ушбу Академия хусусида маълумот берсангиз?

— Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ўзининг барча кўрсаткичлари бўйича жаҳон андозалари даражасига кўтарилиб бормоқда. Республикамиз Президентини, Юртбошимиз Ислам Каримовнинг шахсан ўзлари мустақил юртимиз илм аҳкомларининг даражалари ва мезонлари жаҳон андозаларига мос келиши учун бир қанча қарор ва фармонлар қабул қилдилар. Жумладан, давлатимиз илм-фанининг турли соҳалари вакиллари — юқори малакали олим ва мутахассисларни маънавий рағбатлантириш мақсадида Турон Фанлар Академияси ташкил этилган. Ушбу Академия Ўрта Осиё халқлари тарихи институти Низомига кўра 2012 йилда таъсис этилган. Турон Фанлар Академияси фанларнинг турли соҳа вакиллари — юксак малакали олим ва мутахассисларни маънавий рағбатлантириш мақсадида уларга академик (Академиянинг ҳақиқий аъзоси), фахрий академик (фахрий аъзо) илмий унвонлари, шунингдек ўқитувчи педагогларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш мақсадида уларга илмий ходим унвони бериш ҳуқуқига эга. Уларга Турон Фанлар Академияси Президиуми қароридан кўчирма, диплом ва гувоҳномалар топширилади.

— Ҳурматли Алижон Зоҳидович, Академиянинг ҳақиқий аъзолиги, фахрий аъзолиги ва илмий ходими унвонига сазовор бўлиш учун мезонлар бир-биридан фарқ қиладиларми?

— Саволингиз жуда ўринли! Академиянинг ҳақиқий аъзолигига номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бера олиши лозим: Ҳар бири 10 босма тобоқдан ортиқ яқка ўзи чоп этган 3 та монография, 5 дан ортиқ ихтиро ва патент, 5 дан ортиқ илмий-оммабоп китоблар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ҳамда 100 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этган фан докторлари ва номзодлари, йирик давлат ва жамоат арбоблари, Осиё давлатлари



Қаҳрамонлари, генераллик ҳарбий унвонига эга, асарлари хорижда чоп этилган ёзувчи ва шоирлар, 15 йилдан ортиқ тренерлик қилган жаҳон чемпионолари Академиянинг ҳақиқий аъзолигига танлов асосида қабул қилиниши мумкин. Академиянинг фахрий аъзолигига эса талаблар нисбатан ўзгачароқ бўлиб, миллати, жинси, фуқаролиги, яшаш жойи, тили, ирқи ва диний эътиқодидан қатъий назар қуйидаги шахслар танлов асосида қабул қилиниши мумкин; 10 босма тобоқдан кам бўлмаган яқка муаллифликда чоп этган 1 та (хаммуаллиф бўлса 2 та), 5 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп китоблар чоп этган, шунингдек кўплаб илмий мақолалар чоп этган фан докторлари ва фан номзодлари, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида яқка ўзи камида 3 та ихтиро ва кашфиёт қилган ва расман патентларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар, машҳур давлат ва жамоат арбоблари, ҳарбий хизмат полковниклари, халқ артистлари ва ҳофизлари, фахрий унвон соҳиблари бўлган таниқли ёзувчи ва шоирлар, 10 йилдан ортиқ тренерлик қилган республика чемпионолари. Илмий ходим унвони эса Турон Фанлар Академияси Президиуми қарори билан миллати, фуқаролиги, яшаш жойи, ирқи, диний эътиқодидан қатъий назар Академиялар, институтлар, академик лицейлар, касб-ҳўнар коллежларида фаолият юритаётган олий маълумотли ўқитувчи ва педагогларга, агар улар мустақил дарслик, ўқув қўлланмаси ва 5 дан ортиқ илмий мақола мустақил чоп этган бўлса берилади. Улар академиянинг ҳақиқий аъзоларидан бирига илмий ишлар қилиши учун 3 йил муддатга бириктириб қўйилади.

— Ҳурматли Алижон Зоҳидович, илмий ва ижодий ишларингиз кўлами хусусида гапириб берсангиз?

— Мен 1981 йилда Самарқанд вилояти, Ургут туманида ўрта мактабни олтин медалга, 1991 йилда Тошкент Медицина педиатрия институтини болалар хирургияси ихтисослиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатганман. 1998 йилгача ТошМПИнинг одам анатомияси, болалар травматологияси, нейрохирургияси ва хирургияси кафедраларида ассистент лавозимларида ишлаш билан бирга Республика болалар оператив нефрологияси ва сунъий буйрак бўлимида жарроҳ сифатида фаолият

юртидим. Ушбу бўлимда сурункали буйрак етишмаслиги дарди билан азоб чекиб ўлимга маҳкум бўлган кўплаб бемор болалар билан ишладим, уларнинг азоб ва изтироблари мени тиббиётда диагностика ва даволаш борасида янгиликлар қилишимга ундади. Шу боисдан янги даволаш ва диагностика усуллари бўйича 32 та ихтиро қилиб патентлар ва муаллифлик гувоҳномалари олдим, 50 га яқин рационализаторлик тақлифлари киритдим. 1996 йилда сеvimли шоиримиз Муҳаммад Юсуф ва Абдували Кутбиддин тавсияномалари билан Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасига қабул қилиндим. 1997 йилда болалар урологияси соҳасида қилган ихтиром учун Улуғбек жамғармасининг 1 даражали дипломи ва пул мукофоти билан тақдирландим. 1997 йилда Венгрияда ўтказилган ихтиролар кўргазмасидан ҳам нуфузли ўрин олиб қайтдим. 2002 йилда болаларда пешоб таносил тизими аъзоларининг пешоб тутолмаслиги ва бепуштлиги билан асоратланувчи оғир норасолигини янгича хирургик даволаш бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим, 2005 йилдан ТТА хирургия ва болалар хирургияси кафедрасида доцент лавозимига ўтказилдим ва бугунги кунгача шу қўтлуғ масканда ишлаб келмоқдаман. 2005 йилдан Ўзбекистон Республикаси Халқ табобати Академияси ҳақиқий аъзолигига қабул қилиндим. Фаолиятим мобайнида 40 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп китоблар, 500 га яқин илмий ва оммабоп мақола, тезислар чоп этдим. Республика Давлат телерадиоси орқали мунтазам равишда чиқишлар уюштириб соғлом турмуш тарзи ва саломатликни муҳофаза қилишни тарғиб этдим. Йиллар мобайнида қилган изланиш ва тадқиқотларим бежиз кетмаган экан, илмий, ижодий ишларим кўлами Академиянинг энг юқори ҳақиқий аъзолиги талабларига тўлиқ мос келиб бир овоздан қабул қилиндим. Академия Президиумининг аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқ артисти, сеvimли хонандамиз Ҳожиакбар ака Ҳамидов ишларим натижалари билан танишиб унга юксак баҳо берди ва “ Сиз медицинанинг санъаткори экансиз” деб кўлимни сиқиб қўйди, Бу мен учун жуда катта мақтов ва шараф эди.

**Сўхбатдош Кутбиддин Низомов**



*Миллий Академик драма театрининг 100 йиллиги олдидан*

## МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ УЧРАШУВ

Тошкент Тиббиёт академиясида Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиевнинг ўқитувчи-талабалар билан бевосита учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирни Т.А. Бобомуратов нутқ сўзлаб очиб берди ва сўз навбатини тадбирнинг асосий иштирокчиси Ёдгор Саъдиевга берди.

Ёдгор Саъдиев сўзини бошлар экан, авваламбор ушбу 2014 йилнинг Президентимиз И. Каримов томонидан “Соғлом бола йили” деб номланганлиги ва ушбу масалани изчил амалга оширишида айнан ҳозирги кундаги барча шифокорлар ва даволаш муассасаларининг роли ҳамда ТТАсида етишиб чиқаётган бўлажак шифокор ёшларнинг вазифалари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг Миллий Академик театрининг юбилейга бағишланган масалага чуқур тўхталди. Миллий Академик драма театри даражасига етиб келишида жуда кўплаб таниқли актёрларнинг чин дилдан ҳаракат қилгани ва ижод қилиб келгани, мустақиллик йилларидан кейин кенг имкониятлар яратилганлиги ва ҳозир 100 йиллиги муносабати билан таъмирлаш ишлари кетаётганлиги тўғрисида батафсил гапириб ўтди. Талабаларимизга нисбатан жуда мамнунлик билан ТТА



парварлик руҳида халқи, ватани учун фидойи бўлиши, илмни кучли эгаллашлари, талабаларнинг тинимсиз билим олишлари тўғрисида алоҳида такрорлади.

Ёдгор Саъдиев ҳамма учун қизиқарли ўзининг шахсий ҳаёти, санъат соҳасидаги ютуқлари, ҳозирда амалга ошираётган фаолиятлари ва келажакдаги айрим режалари тўғрисида тўхталиб ўтди. Санъаткорнинг айниқса “Шайтанат” фильмидаги бош роль Асадбек шахси ҳақидаги фикрлари жуда ҳам қизиқарли бўлди. Асадбекнинг ватанпарварлиги, халқ манфаатини ўйлаши, халқ мустақиллиги, ватан озодлиги йўлида ҳаракат қилганлиги, пировард ушбу жирканч дунёдаги софдил инсон қиёфасини ёритиб

берилганлиги, айниқса фильмда айтиладиган буюк ибора “Унинг палага тоза” тўғрисидаги сўзларига алоҳида тўхталиб ўтганлиги жуда катта қизиқиш билан тингланди.

Актёр нафақат актёр, балки моҳир нотик, истеъдодли танқидшунос, сухандон, режиссёр, шеърятга ва қўшиқчиликка қизиқишлари билан ҳам бизга танишдир. Тадбир давомида ўзининг чиройли шеърлари ва қўшиқларини бевосита жонли ижро қилиб бериб бутун залнинг олқишига яна бир бор сазовор бўлди, ҳаттоки жонли ижродан завқланган талабаларимиз ўртага тушиб рақсга тушишди.

Ёдгор Саъдиев тадбирни якунлар экан бутун ТТАсига унинг ўқитувчи-талабаларига ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдирди ва шундай юксак эътибор, ҳурмат-эҳтиромдан нафақат хурсанд, балки жуда ҳам бахтли эканлигини айтиб ўтди.

**М.Р.ХИДОЯТОВА,**  
Ички касалликлар УАШ тайёрлаш ва клиник аллергология кафедраси ассистенти



га ижодий учрашувга таклиф қилинганлиги ва шифокорларни келажакдаги мақсадлари, уларнинг ватан олдидagi бурчлари, ватан-

*Зулматдан қоч, зиёга юз тут*

## МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД ВА ҲУШЁРЛИК

Ақидапарастлик — замонавий исломда мавжуд уч йўналишдан (қолган ик-китаси — традиционализм ва модернизм) бири ислом ақидапарастлигининг асосий ғояси — “соф ислом” қатъиятларига қайтиш мақсади эса — исломий давлат ва тараққиёт йўлини жорий этишдан иборат.

Ҳозирги кунда “ислом уйғониш”, “ислом феномени”, “исломнинг сиёсий-лашуви” ва шунча ўхшаш бир қатор тушунчалар учраб туради.

Ўзбекистон давлатининг мустақиллиги, барқарорлик, фуқаровий тотувликни сақлаб қолиш, юрт хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан бу ҳодисалар барчамизда жиддий ташвиш туғдириши табиий. Сабаби — экстремизм ва ақидапарастлик Ўзбекистон халқи учун назарий маълумотгина эмас.

1999 йил 16 февраль Тошкент террори туфайли тўкилган беғуноҳ қонлар ҳеч кимнинг ёдидан чиққани йўқ. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, “... Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятларидан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашши учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз”.

Мамлакатимизнинг бугунги шароитида ислом экстремизми ва ақидапарастлигининг таҳдиди айнан нималарда ва қандай разилонга ҳаракатларда намоён бўлмоқда? Шу ерда шу ҳақда мулоҳаза юритсак:

Биринчидан, Ўзбекистон мусулмонларининг ислоҳотчи давлатга бўлган ишончини йўққа чиқариши. Барқарорлик, миллатлараро тотувликни бузишга интилишида. Натижада ўзига хос демократиямизни, халқро майдонда обрў-эътибори ортиб бораётган дунёвий давлатимизни ҳамда кўп миллатли, кўп динли жамиятимизни обрўсизлантиришга интилишида.

Иккинчидан, кўринишидан жозибадор, аммо бақирок ва оломонбоп, асоссиз даъватлар ҳисобига одамлар, айниқса, ёшларимизни орқаларидан эргаштириш, уларни ўз соҳиблари иродасига қул этиш мақсадларида.

Учинчидан, ўзларини чин мусулмон, ислом манфаатлари йўлида курашувчилар деб ҳисоблайдиган, нотўғри ва мудҳиш тасаввурларни халқимизга зўрлаб қабул қилдиришни истайдиган мутаассиб экстремистлар, террорчилар ва жангариларнинг янгидан-янги авлодларини вужудга келтиришида.

Тўртинчидан, мусулмон мамлакатлар жамоатчилиги орасида Ўзбекистон ҳукуматини даҳрийликда айблаб, тўхматлар, дунёнинг бошқа мамлакатлари орасида эса, Ўзбекистон демократия талабларига ошқора риоя этмаяпти, деган уйдирмалар тарқатиш.

Бешинчидан, ислом тараққиёти билан исломий бўлмаган, яъни илмий-дунёвий ривожланиш ўртасида кескин қарама-қаршилиқни такомиллаштириш мақсадида.

Олтинчидан, омма онгига амалдаги қонунчилик эмас, дин, хусусан, ислом барча иқтисодий, сиёсий ва халқро муаммолар ва зиддиятларни ҳал қиладиган, шу жумладан, моддий-маънавий табақаланишга йўл қўймайдиган восита, деган фикрни тиқштириш ва ҳоқазоларда.

Биз эътиборингизга ҳавола қилаётган “Миллий хавфсизликка таҳдид ва ҳушёрлик” мавзуси турган гапки, ўта жиддий ва масъулиятли масаладир. Бу масалага ҳали кўп эътибор қаратишимизни, ҳар доим сезгир ва ва ҳушёр бўлишимиз, “ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз” кераклигини қайта-қайта таъкидлаган бўлар эдик. Ана шундагина мустақил Ўзбекистонимизга ички ва ташқи томондан хавф солаётган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олган бўлар эдик.

Йўлдаш МАҲМУДОВ,  
фалсафа фанлари номзоди,  
Ўғилжон АБДУКАРИМОВА,  
тиббий профилактика факультети талабаси

*1 июнь — Халқро болаларни*

*ҳимоя қилиш кўни*

## БОЛАЛИК

*Ёшлик даври жўшқин сой,  
Унда бизга сирдош ой.*

*Болалигим, пошшолигим,  
Шодликларга жуда бой.*

*Қанча яшасанг унда,  
Тўймайсан, камда.*

*Болаликка дўстларим,  
Ҳеч бир шодлик етмасда.*

*Ёшлик шундай беғубор,  
Ҳар кунинг гўё баҳор.*

*Ундан кетгинг келмайди,  
Унда йўқдир, ғам озор.*

*Болалигим, пошшолигим,  
Қўмсар сени, бу кўнглим.*

*Ҳозирча улғайишни,  
Хоҳламайди, бу қалбим.*

*Сенда шодлик бир олам,  
Сенда йўқдур, ғам-алам.*

*Бе ташвиш суриб хаёл,  
Эркалар кулиб онам.*

*Беғуборлик ортда қолди,  
Бу кунлар ёдда қолди.*

*Қанчалик уринмайин,  
Болалик ташлаб кетди.*

*Ёшлик даври жўшқин сой,  
Унда бизга сирдош ой,*

*Болалигим, пошшолигим,  
Шодликларга жуда бой.*

**Давронбек УРУНОВ**

**Давлатали ўғли,**

**ТТА даволаш факультети**

**1-босқич талабаси**

